



### ИСЛОМ КАРИМОВ АҚШ ДАВЛАТ КОТИБИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 октябрь куни Оқсаройда амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва АҚШ сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион ва гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳизмат қиладиган кенг қўламли масалаларга доир шериклик ва ўзаро англашув руҳидаги самарали мулоқот бўйича катта тажрибага эга.

Президент Ислам Каримов Хиллари Клинтон билан суҳбат чоғида АҚШ Президентининг мамлакатларимиз ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосланган шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги саясий ҳаракатларни давом эттириши лозим, деган фикрини қўллаб-қувватлашни таъкидлади.

Америка маъмуриятининг юқори мартабали вакили Ўзбекистон минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида конструктив сиёсат олиб бораётганини ва бу ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини қайд этди. Икки давлат раҳбарлари ўртасида яқинда бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот чоғида ҳам мамлакатларимиз минтақавий ва халқаро масалалар бўйича ҳамкорликни ривожлантириш-

дан манфаатдор эканлиги таъкидланган эди. Хиллари Клинтон Афғонистон муаммосини ҳал этиш ҳамда Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши йўлида Ўзбекистон кўрсатган катта ёрдам учун Президент Ислам Каримовга АҚШнинг миннатдорлигини изҳор этди.

Томонлар икки мамлакат фуқаролик жамиятлари ўртасида мулоқотни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Автомобилсозлик соҳасида изчил ривожланаётган ўзаро манфаатли алоқалар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг яққол намуналаридан биридир. Хусусан, яқин кунларда энг замонавий экологик ва техник талабларга жавоб берадиган ва сўнгги технологиялар асосида йилига 200 миң донадан ортиқ автомобилъ двигателларини ишлаб чиқарадиган «GM Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси тўла ишга туширилди.

Хозир Американинг бир қатор йирик корпорациялари Ўзбекистонда кенг қўламли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришмоқда. Лойиҳалар, жумладан, юқори технологияли инновацион тармоқларни ҳам қамраб олган.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонлар, шунингдек, ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар хусусида ҳам фикр алмашдилар. (ЎЗА)

### Фракция фаолияти



### Хуқуқий асослар мустаҳкамланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда ЎзХДП фракция аъзолари, партия Марказий Кенгаши экспертлари, минтақавий фракция таши-

лотлари вакиллари ҳамда қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича мутасадди вазирлик ва ташкилотларнинг мутахас-

сларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари катнашди. — Мазкур қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек ВАФОВЕВ. — Унинг асосий мақсади — тадбиркорлик субъектлари фаоли-

тини янада такомиллаштириш ҳамда уларни ташкил этиш механизмларини соддалаштиришдан иборат. Шунинг учун қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар замонавий бозор муносабатларига ҳар жиҳатдан мос келиши лозим. Депутатлар ва мутахассислар қонун лойиҳасини моддама-модда таҳлил қилишди.

(Давоми 2-бетда.)

### Эътироф

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан Президент Ислам Каримов раҳбарлигида хорижий мамлакатлар билан дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабат ўрнатишга асосланган ташқи сиёсий стратегия муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу орқали Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзининг сиёсий-иқтисодий фаоллиги билан изоҳланадиган мақомини мустаҳкамлашда давом этмоқда. Мамлакат бой маданий-тарихий меросга эга бўлиши билан бирга, кенг қамровли малакали инсон ресурслари, салмоқли табиий захиралар ҳамда ривожланган транспорт инфратузилмаси мавжудки, буларнинг бarchаси унинг салоҳияти улкан эканидан далолат беради».

Антонио ЛОКЕ, (Италия).

### Тиббиёт масканларида

### Эмлаш — болалар соғлигини муҳофазалайди

Қарши туман тиббиёт бирлашмасининг болалар поликлиникаси 8000 нафарга яқин 14 ёшгача бўлган болалар соғлигини муҳофаза қилади.

— Туманимизнинг қишлоқ ва маҳаллаларида 5900 нафардан зиёд 14 ёшгача бўлган болалар яшайди, поликлиника тасарруфидаги 10 та шохобчанинг малакали мутахассислари уларга тиббий хизмат кўрсатади, — дейди бosh шифокор Шухрат Эшонкулов. — Боланинг соғлом ва бақувват бўлиб улгайиши учун аввало эмлаш ишларини ўз вақтида ва сифатли олиб бориш керак.

Абдурасул ПАРДА

### Хиллари КЛИНТОН:

### Ўзбекистон ёшлари юксак салоҳият ва иқтидорга эга

Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтон 23 октябрь куни Тошкентдаги Аёллар саломатлиги маркази фаолияти билан танишди.

Мазкур марказ аёлларга юқори малакали даволаш-диагностика хизмати кўрсатиш, аҳоли учун репродуктив саломатлик масалаларига оид илмий-оммабоп ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, шифокорлар учун ўқув семинарлари ўтказиш, туриш ёшидаги аёллар саломатлигини назорат қилиш ва туғуруқка тайёрлаш, соғломлаштириш ишлари билан шуғулланади.

Ушбу марказ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA), АҚШ Халқаро ривожланиш дастури (USAID) каби қўллаб-қувватловчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади. Хиллари Клинтон замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган ушбу марказда аёлларга юқори малакали шифокорлар томонидан кўрсатилаётган сифатли хизмат тизимини юқори баҳолади.

АҚШ Давлат котиби шу кунги Тошкент виллоятдаги «General Motors Powertrain Uzbekistan» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасида ҳам бўлди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 16 декабрда қабул қилинган хорижий инвестициялар

иштирокида куч агрегатлари ишлаб чиқарадиган «General Motors Powertrain Uzbekistan» корхонасини ташкил қилишга оид қарорига мувофиқ ташкил этилган ушбу йирик қўшма корхона минтақамиздаги автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ягона заводдир.

Мазкур ноёб ишлаб чиқариш корхонаси тўла ишга тушгач, бу ерда йилига 200 миң донадан ортиқ автомобиль двигателлари тайёрланади. Корхона маҳсулотларидан нафақат Ўзбекистондаги, балки «GM»нинг глобал тармоғига кирувчи хориждаги бошқа автомобилсозлик корхоналари ҳам фойдаланади.

Корхонада жорий йилнинг ноябрь ойида маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқариш бошланади.

Мамлакатимиз автомобиль саноати ривожига улкан муваффақиятлардан бири бўлган, замонавий стандартлар асосида, энг сўнгги русумдаги технологиялар билан жиҳозланган ушбу йирик ишлаб чиқариш корхонаси Хиллари Клинтонда катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда.)

### ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН:

### Азалий дўстона қўшничилик алоқаларини ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

Ўзбекистон билан Туркменистонни асрлар давомида яқин маънавий қадриятлар, тил, дин, тарих, урф-одат ва анъаналарга асосланган мустаҳкам дўстлик ришталари ва дўстона қўшничилик алоқалари боғлаб туради. Қардош ўзбек ва туркман халқлари бир-бирининг адабиёти, маданияти ва санъатини яқиндан билади ва ҳурмат қилади. Аждодларимизнинг бой мероси ўзбек ва туркман халқларининг умумий бойлигидир. Бу омиллар турли соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам ўзаро манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

⇒ 3

### 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни

«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

### Эл-юртимиз осойишталиги посбонлари байрами

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

Тизимда хуқуқ-тартиботни сақлаш ва жиноятчилик қарши курашининг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди, уюшган жиноятчилик, терроризм ва наркотрафика қарши кураш янада кучайтирилди. Тезкор-қидирув хизматлари ва тергов бўлинулари мустаҳкамланди. Йўл

ҳаракати хавфсизлигини, пост-патруль, шунингдек, ёнгин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилмоқда.


Маҳалла профилактика инспекторлари фаолиятининг бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамжиҳатликда аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-тушунтириш ишлари, аҳолининг ижтимоий ҳимоясига доимий эътибор қаратиш ишларининг изчил йўлга қўйилгани маҳаллаларда муҳитнинг соғломлиги, юртимиз осойишталигига хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида уч миңдан ортиқ маҳаллада жиноят содир этилмагани ҳам ана шундай хайрли ишлар самараларидандир.

⇒ 2

### Спорт

### Курашнинг катта тантанаси

Термиз шаҳрида кураш бўйича VIII жаҳон чемпионати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро турнир зўр муваффақият билан ўтказилди.



⇒ 4

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 ОКТАБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1829,08	1 Миср фунти	294,83	1 СДР	2774,57	10 Жанубий Корея вони	15,48
1 Англия фунт стерлинги	2810,47	1 Канада доллари	1752,15	1 Туркия лираси	957,87	1 Япония иенаси	231,06
1 БАА дирҳами	479,66	1 Хитой юани	276,39	1 Швейцария франки	1995,48	1 Россия рубласи	56,22
1 АҚШ доллари	1761,61	1 Малайзия ринггити	562,99	1 Евро	2427,14	1 Украина гривнаси	220,87

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмagan.



# Танқидий баҳо ва амалий таклифлар

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши V пленуми бўлиб ўтди ва унда Марказий Кенгаш Раиси Латиф Фуломов маъруза қилди. Пленумда маъруза бўйича сўзга чиққанлар амалга оширилган ишларга танқидий ёндашиб, яратилган имкониятлардан янада самарали фойдаланиш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.



**Абдугаффор КИРПИЗБОЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашнинг бугунги босқичида амалга оширилаётган ўзгаришлар самарадорлиги кўп жиҳатдан бутун халқнинг ислохотлар мазмун-моҳиятини тўри англашига, бу борадаги тушунчаси юксалишига боғлиқ. Шу боис, партиямиз «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун меъёрлари асосида фаолиятини кучайтиришга, хусусан, кам таъминланган аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга интиляпти.

Бу жараёнда партия ташкилотларнинг бирдек фаол ишлаши, ҳамкорлик қилиши жуда муҳим. Афсуски, ҳамма ташкилотларимизда бунга етарлича эътибор қаратилмапти.

**Жумладан, дастурий мақсадларимизни амалга оширишдан келиб чиқиб, бошқа сиёсий партиялар билан баҳс-мунозарарга киришиш, сиёсий жараёнларда ташаббускорлик асосан партия Марказий Кенгаши ва журналистлар томонидан амалга ошириляпти. Бу эса партиялараро баҳс-мунозаралар кўпинча назарий ёки сунъий чиқишга олиб келаётир.**

Бу борада ташаббус кўпроқ маҳаллий партия ташкилотлари етакчиларидан чиқиши, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалалар куйидан кўтарилиши керак. Шунда, сиёсий партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралардан жамият манфаат кўради.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар фракция аъзолари томонидан 10 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, қонунларимизни такомиллаштириш бўйича 500 га яқин таклиф киритилди. Фракция аъзолари 120 дан ортиқ учрашув ўтказди ва амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш, электротат манфаатлаштириш, келиб чиқиб, тегишли қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича фикрларини ўрганиб чиқди. Бу қонунлар ҳар жиҳатдан мукамал бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, бу борадаги ишларимизни аниқ бир тизимга солиш зарур.

**Бунинг учун, аввало, яратилаётган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг иштирокини кучайтириш лозим. Маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳлари бунга жиҳидий эътибор бермаяпти. Айрим вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари бу жараёнда деярли иштирок этмаётир.**

Бундан ташқари, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» асосида ишлаб чиқилган ва 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини изчил бажариш бўйича партиямиз фракцияси аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ҳамкорлиги талаб даражасида деб бўлмапти. Агар бу борада ҳамкорлиқни самарали йўлга қўйсак, худудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалалардан чуқур хабардор бўлаемиз. Бу эса фаолиятимиз самарадорлигини оширади.



**Абдулла ОРИПОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири:

— Концепцияда белгиланган вазифаларнинг асл моҳиятини мен мустақилликни янада мустаҳкамлашга қаратилган, деб биланам. Бизнинг асосий ишимиз, яъни бурчимиз шу, аслида. Чунки Мустақиллик — бебаҳо неъмат, унга осонликча эришилган эмас.

Яқинда муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақиллигида эришиш оstonасида» китобини ўқиб чиқиб, бунга яна бир бор чуқур ҳис этдим. Бу асар жамиятимиз учун ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

Бугунги ўғил-қизлар мустақиллик ўз-ўзидан келиб қолмаганини билишлари керак. Китобни мутолаа қилган киши ҳали мустақиллик эълон қилинишидан анча олдин истиқлол йўлида амалга оширилган жасоратли ишлар билан танишади. Истиқлолнинг қадрига етиб, Концепцияда олға сурилган вазифаларни бажариш йўлида масъулият билан меҳнат қилади.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Президентимиз маънавият масаласига қанчалик катта аҳамият бераётгани ҳамма-мизга маълум. Чунки маънавият — бу одамнинг одамгана буюк ишларга қодир бўлади.

Бугун пленум иштирокчилари партиямиз сўнгги йилларда эришган ютуқларини таҳлил қилиб, кўзда тутилаётган режани рўйбга чиқариш бўйича вазифаларни беллар экан, маънавият масаласига ҳам алоҳида эътибор беришларини истардим. Чунки руҳи бакуват инсон озодликнинг қадрига етади, уни мустаҳкамлаш учун кураша олади.

**Райимберган САБУРОВ,**  
Хоразм вилоят партия кенгаши раиси:

— Юртбошимиз халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар олдига турган гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро ҳокимияти томонидан жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий депутатлик назорати ўрнатиш эканини алоҳида таъкидлаган. Бугун фаолиятимизни ана шу талабдан келиб чиқиб кучайтиришимиз зарур.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман ва шаҳар Кенгашларидаги 8 та депутатлик гуруҳимиз маҳаллий Кенгаш сессиялари муҳокама-сига электротат манфаатлари ҳимоясига қаратилган қатор масалаларни киритди. Мажбурий камчиликлар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, электротатни ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга қаратилган қарорлар қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, 2011-2014 йилларга мўлжалланган партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш имконини бермоқда.

Дастурга асосан «Хонқа ва Кўшқўпир туманларида худудий инвестициялар дастури ҳисобига бандлик даражасини ошириш борасидаги амалий ҳаракатлар тўғрисида»ги масала жорий йилнинг туртинчи чорағига режалаштирилган. Жойларда бу масалани йил бошидан ўрганишга киришилди. Аниқ ва қатъий режа асосида иш олиб борилди. Шу тариқа мазкур масалани тегишли Кенгашлар сессиялари муҳокама-сига йилнинг учинчи чорағига кириштирилди.

Аммо афсуски, ҳамма жойда ҳам иш тўғри ташкил этилмаётир. Айрим партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасидаги масъулиятни чуқур англаб етмаяпти.



Хусусан, Урганч шаҳар, Урганч ва Шовот туманлари партия кенгашлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида фаоллик, қатъият ва изчиллик етишмаяпти. Айрим депутатлар маҳаллий Кенгаш сессиясига киритилган масалалар муҳокама-сига локайд қарамокда. Бу партия ташкилотлари ишига жиҳидий салбий таъсир этади, жамоатчилик орасида партиямиз оубрусига путур етказилади.

Шу боис, мазкур шаҳар ва туманларда ишимизни танқидий таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш чорасини кўряпмиз.

Галдаги яна бир муҳим вазифа — депутатлик гуруҳлари олиб чиққан масалалар бўйича тегишли сессияларда қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашдан иборат.

Бунинг учун маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар билан ҳамкорликда ишлаш, хусусан, депутатлик гуруҳларининг қўшма йиғилишларини ўтказиш лозим. Ҳамкорликда ишлаш ижобий натижа беради.

Депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлилий ўрганиб чиқишини, шу бўйича минтақавий семинарлар ўтказишни тақлиф қиламан. Шунда, бир-биримизнинг ишимизни кўриши, ўзаро тажриба алмашиши, камчилик бўлса, уни бартараф этиш йўлини бирага излаш имкони туғилади.

**Рустам ТУРЕНОВ,**  
«Ёш сиёсатчи — 2011» кўриктанловчи республика босқичи ғолиби:

— Партиямиз Сайловолди дастурида ёшларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнларда иштирокини кучайтириш, фуқаролик позициясини шакллантириш алоҳида ўрин тутаяди. Шу мақсадда ташкил қилинган «Истиқбол» ёшлар қаноти бугунги кунда ўз сафига қўллаб иқтидорли ва салоҳиятли йигит-қизларни бirlаштирган. Улар минтақавий анжуманлар, ўқув-семинарлар ва давра суҳбатларида фаол қатнашмоқда. Шу тариқа юртимизда юз бераётган воқеа-ходисаларга ўткир нигоҳ билан қарамокда.

Президентимиз мустақиллик байрамида биз — ёшларни Ватанимиз севинишига, Ватанга садоқатли бўлишга даъват этди. Бу йўлда қаҳрамон аждодларимиздан ўрнак олишимиз кераклигини ўқирди. Бунга жавобан Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, Юртбошимиз ишончини оқлаш биз ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Шунинг учун «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз ишини янада кучайтириб, атрофида жипслашган йигит-қизларни нафақат дийримида, балки жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар, сиёсий жараёнлар билан изчил таништириб бориши, улар эътиборини глобал масалаларга қаратиши зарур, деб ўйлайман. Бунда қанот аъзоларининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари, соҳа билимдонлари ва сиёсатчилар билан ҳамкорлиги яхши самара беради.

**Гулрух ОДАШБОВА,**  
Лазиса ШЕРОВА ёзиб олди.

## Ҳиллари КЛИНТОН:

# Ўзбекистон ёшлари юксак салоҳият ва иқтидорга эга

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Мазкур корхона фаолияти билан танишиш имконига эга бўлганимдан жуда мамнунман, — деди АҚШ Давлат котиби. — Ушбу қўшма корхонага энг замонавий технологиялар жалб этилганининг гувоҳи бўлдик. Мазкур завод АҚШ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасидаги ҳамкорликнинг амалдаги ёрқин намунасидир. Корхона мамлакатимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг ва дўстона муносабатларнинг яна бир раъзи бўлиши қолади. Ушбу корхона Америка ва Ўзбекистон муҳандислари ва меъморлари томонидан ҳамкорликда лойиҳалаштирилган бўлиб, экологияга ва ён-атрофда яшовчи аҳолига эиён етказмаслик тамойилларига амал қилган ҳолда барпо этилган. «General Motors Po-

wertrain Uzbekistan»даги ишлаб чиқариш жараёни малакали ўзбек ишчилари томонидан олиб борилади. Мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилади. «GM» компаниясининг Ўзбекистонда иш юритиши АҚШнинг нафақат Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга, балки Жанубий ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам бу йўналишдаги муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади. Мамлакатимиз йил-фан ва инновация борасида бой тарихга эга. Ўзбекистондан қўллаб буюк олим ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Жаҳонда «алгебрининг отаси» деб тан олинган Ал-Хоразмий ҳам шу заминда туғилиб, камолга етган. Бугунги ўзбек ёшлари ҳам юксак салоҳият ва иқтидорга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

(ЎЗА)

## 25 октябрь — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

# Эл-юртимиз осойишталиги посбонлари байрами

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президентимизнинг шу йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибининг таъминлаш борасидаги кўп йиллик хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг ушбу фармони эл-юртимизнинг осойишталигини таъминлаш, ички

ишлар тизимини мустаҳкамлаш ва соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб тақдирлашга қаратаётган юксак эътибори ва ишончининг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди «Жасорат» медали соҳиби, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризм-даги фармонида мувофиқ мамлакатимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибининг таъминлаш борасидаги кўп йиллик хизмат бурчини адо этишда кўрсатган мардлик ва фидойилиги, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати учун ички ишлар идораларининг бир гуруҳ ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Президентимизнинг ушбу фармони эл-юртимизнинг осойишталигини таъминлаш, ички

**Норгул АБДУРАИМОВА,**  
ЎЗА муҳбири.

## Фракция фаолияти

# Ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонун лойиҳасида хомашё, товар ва хизматлар бозорига тадбиркорлик субъектлари кенг иштирок этишини таъминлаш учун давлат органлари ва бошқа масъул ташкилотларга етарли шароит яратиб бериши лозимлиги кўзда тутилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг 9-моддасига тадбиркорлик фаолияти субъектлари меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар меҳнатига қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника

хавфсизлиги, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши зарурлигига доир қўшимча меъёр киритилмоқда.

**Қонун лойиҳасига тадбиркорлик фаолияти субъектлари муносабатларини кўриб чиқиш кафолатларини белгилловчи тегишли модда киритилмоқда.**

Унга асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари давлат органларига ариза, таклиф ва

шикоятлар билан муносабат этиш ҳуқуқига эга. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ариза, таклиф ва шикоятлари қўйилган масалани ҳал этиш ваколат доирасига қирадиган давлат органига бевосита ёки бўйсунув тартибда юқори турдаги органга берилади.

Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган тадбиркорлик субъектларининг муносабатлари тадбиркорлик субъектларининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, мазкур моддада, мутасадди органлар Интернет тармоғида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати устидан шикоят қилиш имконини берувчи, шу-

нингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш учун ҳужжатларидан эркин фойдаланишни таъминловчи, доимий равишда янгилаб бориладиган манба яратиши лозимлиги кўзда тутиляпти.

**Дилбар ХОЛИҚОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасида кичик тадбиркорлик субъектлари санаб ўтилган. Унга қўра, «оилавий корхоналар» ҳам кичик тадбиркорлик субъектлари қаторига қиради. Бу, оилавий корхона иштирокчилари қонунчилигимизда белгиланган имтиёз ва преференциялардан фойдаланадиган йўл очади. Шу боис, мазкур моддага янада аниқ

ҳуқуқий таъриф бериш, хусусан, «оилавий корхоналар» тушунчасига «иштирокчилар сонидан қатъи назар», деган изоҳ қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий чалқашликларнинг олдини олади.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг «Тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш ва суғурта қилиш», деб номланган 16-моддасида «Тадбиркорлик фаолияти субъектига кредит бериладиган банклар, бошқа кредит ёки суғурта ташкилотлари қандай бўлиши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жис-

моний шахслар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши яхши, албатта. Лекин шу ўринда бир масалага эътибор қаратиш керак. Агар тадбиркор кредитни ўз вақтида қайтара олмаса, унга кафил бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу кредитни қайси маблағ ҳисобидан тўлайди? Бунинг ҳуқуқий оқибади қандай бўлади? Бу ҳақда ўйлаб кўриш керак шекилли?..

Йиғилишда депутатлар ва мутахассислар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, хусусан, ундаги меъёрларни бошқа тегишли қонунларга мувофиқлаштиришга оид таклифлар билан тақдирлади. Таъкидландики, мазкур қонун лойиҳаси иқтисодийётни янада ривожлантириш ва барқарор иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса бевосита электротат манфаатларини яратишда қилади. Қонун лойиҳаси бўйича фракция нуктаи назарини шакллантириш ва ҳуқуқий тартибга солиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

# ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: Азалий дўстона қўшничилик алоқаларини ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги аънавий ўзаро ҳамкорлик ва дўстликка асосланган алоқалар янги замон руҳида ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ҳам сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришни устувор вазифа сифатида белгилаган. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасида қарор топган самимий ва ўзаро ишончга асосланган муносабат, турли даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар бунинг аққол далилидир.

1991 йилдан ҳозиргача икки давлат раҳбарларининг 12 марта олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга 7 марта келган бўлса, Ўзбекистон Президентининг 5 бор Туркменистонга ташриф буюрган. Мазкур ташрифлар чоғида мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. Тошкент шаҳрида 2011 йилнинг май ойида икки давлат раҳбарининг навбатдаги учрашуви бўлди. Мулоқот чоғида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилишларини тасдиқладилар ва икки дўст мамлакатнинг эришилган келишувларини самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлари механизмларини ривожлантиришга интилишларини таъкидладилар.

Музокаралар якунида Туркменистон Президентининг Гурбангули Бердимухамедов «Ўзбекистон Туркменистоннинг ишончли дўсти, муҳим ва фаол шеригидир. Биз Ўзбекистон билан азалий дўстлик ва маънавий яқин-

ликка асосланган самимий муносабатларни юксак қадрлаймиз», деб алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликнинг долзарб йўналишларини қамраб олган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 155 дан зиёд халқаро шартномалар икки мамлакат муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан қўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган транснационал жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига яқин ва ўхшашдир. Халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги конструктив ва самарали ҳамкорлигига мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўрта Осиёдаги сув-энергетика соҳасидаги муаммоларга оид масалалар бўйича ушбу муаммоларни халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари асосида, минтақадан ташқари ҳамкорлик манфаатлари ва розилигини ҳисобга олган ҳолда муҳокама этиш лозим, деган умумий позицияни намोён этмоқда.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўламини ҳам кенг. 2011 йилнинг февраль ойида навбатдаги, олтинчи мажлис ўтказилган Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг самарали фаолияти ушбу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Тошкентда

Туркменистон, Ашхободда Ўзбекистон миллий кўргазмаларини ташкил қилиш яхши аънамага айланди.

Ўзаро тўсбар айланмаси ҳамми изчил ўсиб бормоқда ва 2010 йил якунлари бўйича қарийб 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда ҳам, Туркменистонда ҳам нефть-газ саноати жадал ривожланмоқда. Мамлакатларимиз табиий газ қазиб олиш ва узатиш борасида дунёдаги етакчи мамлакатлар сирасига киради. Энергия манбаларига талаб тобора ошиб бораётган ҳозирги шароитда давлатларимизнинг энергия ресурсларини минтақамиздан жазон бозорларига экспорт қилиш имконини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик ҳомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транснационал газ қувурининг қурилиши бўйича йўналишларнинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига аққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишидир. Мамлакатларимиз ҳудуди ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон билан Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдонини, кенг қўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда имзоланган «Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар» янги халқаро транспорт-коммуникация йўлининг ташкил этиш бўйича битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу йўналишнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратди, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик ҳомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транснационал газ қувурининг қурилиши бўйича йўналишларнинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига аққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишидир. Мамлакатларимиз ҳудуди ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон билан Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдонини, кенг қўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда имзоланган «Ўзбекистон

— Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар» янги халқаро транспорт-коммуникация йўлининг ташкил этиш бўйича битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу йўналишнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратди, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик ҳомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транснационал газ қувурининг қурилиши бўйича йўналишларнинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига аққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишидир. Мамлакатларимиз ҳудуди ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон билан Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдонини, кенг қўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда имзоланган «Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар» янги халқаро транспорт-коммуникация йўлининг ташкил этиш бўйича битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу йўналишнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратди, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик ҳомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транснационал газ қувурининг қурилиши бўйича йўналишларнинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига аққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишидир. Мамлакатларимиз ҳудуди ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон билан Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдонини, кенг қўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда имзоланган «Ўзбекистон

— Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар» янги халқаро транспорт-коммуникация йўлининг ташкил этиш бўйича битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ушбу йўналишнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратди, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик ҳомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транснационал газ қувурининг қурилиши бўйича йўналишларнинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига аққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишидир. Мамлакатларимиз ҳудуди ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон билан Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдонини, кенг қўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда имзоланган «Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Уммон — Қатар» янги халқаро транспорт-коммуникация йўлининг ташкил этиш бўйича битимнинг тарихий аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Ушбу йўналишнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш учун қўлай шароит яратди, транзит юклар оқимини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ўрта Осиё ва Форс кўрфазининг барини берадиган муқобил йўналишларни ривожлантириш соҳасидаги яқин ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Муҳим стратегик ҳомашёни экспорт қилиш йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркменистон — Ўзбекистон — Қозоғистон — Хитой транснационал газ қувурининг қурилиши бўйича йўналишларнинг амалга оширилиши икки мамлакатнинг ушбу соҳадаги самарали ҳамкорлигига аққол мисол бўла олади.

Транспорт коммуникациялари иқтисодий ҳамкорлик борасидаги яна бир муҳим йўналишидир. Мамлакатларимиз ҳудуди ва ривожланган транспорт-коммуникация тизимлари учинчи давлатлар учун транзит вазифасини ўтамоқда. Бу омиллар Ўзбекистон ва Туркменистонда транзит соҳасида йирик салоҳият мавжуд эканидан далолатдир. Мазкур соҳадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш нафақат Ўзбекистон билан Туркменистон, балки минтақалар ва қитъалар ўртасида халқаро савдонини, кенг қўламли сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутди.

Бу ҳақда сўз кетганда, Ашхободда имзоланган «Ўзбекистон



Хориж

## Миллиард доллар миқдорида

товон пули талаб қилмоқда

**Нигериядаги қабилалардан бирининг етакчиси АҚШнинг «Royal Dutch Shell» нефть корпорациясидан бир миллиард доллар миқдорида тоvon пули ундиришни талаб қилиб, Мичиган штатининг Детройт судига даъво аризаси билан мурожаат этди. «AFP» АА хабар қилишича, бу даъво судга расмий мурожаат этган бешинчи қабилдир.**



Уларнинг мурожаатларида қайд этилишича, Нигерияда неча йиллардан бери нефть қазиб ишлари билан шуғулланган «Royal Dutch Shell» нефть корпорацияси ўз фаолияти давомида жуда кенг миқдордаги атропо-муҳит экологиясига салбий таъсир кўрсатган, яъни катта-катта ҳудудлар нефть маҳсулотлари билан ифлосланган. Бу эса маҳаллий аҳоли са-

ломатлигига жиддий путур етказмоқда. Даъво аризаси билан судга мурожаат этган қабилалар етакчилари корпорациядан тоvon пули ундириш билан бирга, нефть маҳсулотлари билан ифлосланган ҳудудлар тозаланишини ва бундан кейин нефть қазиб олиш ишлари қаттиқ назорат остида амалга оширилиши лозимлигини талаб қилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг августда корпорация маъмурияти 2008 йилда ерларга нефть ёйишига йўл қўйилган 2 та ҳолатни, анкироги, хатосини тан олди ва маҳаллий аҳолига 5,7 миң доллар миқдорида тоvon пули тўлашни ҳамда юз қор гуруҳ ва ловия етказиб беришини айтган.

## Жанговар

ҳаракатларда ҳам

эркаклар билан тенг қатнашади

**Австралия ҳукумати эндиликда мамлакат аёллари армияда ҳарбий хизмат бурчини ўташи у ёқда турсин, ҳатто жанговар ҳаракатларда ҳам эркаклар билан тенг қатнашишига рухсат берди.**

Мамлакат муҳофаа вазири Стивен Смит берган манбага асосланган «The Australian» нашри хабар тарқатишича, Австралия армиясига янги тартиб жорий қилиш ва янада соддаштириш учун 5 йиллик дастур қабул қилинди. Эндиликда барча чекловлар қайта қўриб чиқилди ва лозим топилса, бекор қилинади. Бу эса аёлларнинг худди Канада, Исроил ва Янги Зеландия давлатларидаги каби армияда эркаклар билан тенг хизмат бурчини ўташ имкониятини яратди.

Реклама ва эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

## «Азиза» масъулияти

чекланган жамият

капитал таъмирланиши режалаштирилган куйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарт билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Қурилиш муддати
1.	Самарқанд шаҳри, Намуна кўчаси, 25-уйдаги «Азиза» МЧЖ биноларини капитал таъмирлаш	626 027 981 сўм	521 689 984 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари «Азиза» МЧЖнинг ўз маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

**Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.**

**Буюртмачи:** — «Азиза» масъулияти чекланган жамият. **Манзили:** Самарқанд шаҳри, Намуна кўчаси, 25-уй, телефон: 8 (3662) 235-05-36.

**Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келиши керак:** танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва муважжислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш ишосларда ишлаганлик тажрибасига, қўнмақаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиши лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари катнашганда, уларнинг танлов тақлифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътибор олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов тақлифлари катнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода катнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўрвонмома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги маълумот буйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куну ва соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши мабутоғла эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00** да ўтказилади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Фаргона вилоят партия кенгаши раиси Махмуджон Маҳмамовга падари бузаркувори

Мухтор отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

## Фармон ва шарҳ

# Тараққиётда муҳим қадам

Кичик бизнес – аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини оширишнинг асосий омили

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-таdbирлар тўғрисида»ги Фармони соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. У иқтисодийётда салмоқли ўрин олган ўрта синф кучайиши ва турмуш фаровонлиги ошишида жиддий омили бўлиб қолади.



Нимага десангиз, у аввало микрофирмалар ва кичик корхоналар ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ни экспорт қилганда келадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан ҳалос этди, 2012 йил 1 январдан саноат соҳасида фаолият юритувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун янгона солиқ тўлови 6 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Шуни ҳам айтиш керакики, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик мамлакат тараққиётида ўзига хос механизм ва катталида тур бўлиб, таркибий ўзгаришлар, иқтисодийнинг диверсификация қилиш, барқарор ўсиш ва кескин ижтимоий муаммоларни ечишда, яъни бандлик ва турмуш даражасини оширишда ўзига хос истиқболли ўрин тутди. Буни қуйидаги натижалар ҳам кўрсатиб турибди.

Кейинги ўн йилда ялли ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга кўтарилди. Кейинги ўн йилда ялли ички маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди. 2011 йили бу кўрсаткич 54 фоизни ташкил этиши кўтилмоқда. Соҳада иш билан бандлик даражаси 2000 йили 49,7 фоиз бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 74,3 фоизга ошди. Аҳоли даромадининг 47 фоиздан зиёди шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Албатта, бу ўз-ўзиндан бўлгани йўқ. Бу — халқимиз машаққат билан амалга оширган ишлар. У танлаган тараққиёт йўлими ҳар томонлама тўғри эканини кўрсатади.

Юртбошимиз кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка катта йўл очиб берди. Чунки бу тизим бизнесни кичик сармоя билан бошлаш, маҳаллий бозорда ишлаш ва давр талабига тез мослаша олиши, бир қисм одамни иш билан

банд этиши ва уларнинг малакасини оширишда ўзига хос тезкор хусусиятга эгаллиги, замонавий технологияларга «ўчлиги, рақобатда энгил чиқишга интилиши ва киритилган инвестициянинг самарадорлигини таъминлашга қодирлиги билан афзал ва яшовчандир.

Собик иттифоқ инқирозга юз тутган йиллар едимизда. Одамлар оиласини боқишга қийналиб қолган эди. Чунки хусусий мулкчилик батамом тақиқланган, кишилар қўлидан келадиган иш билан пул топиши, турмуш шароитини яхшилаши мумкин эмасди.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобида ўша йиллар бир миллионга яқин киши ишлаб чиқаришдан четлашиб қолганини таъкидлайди. Шу боис у киши 1989 йил 24 июнь куну, яъни, Ўзбекистон раҳбари бўлиб иш бошлагач, Ўзбекистон ССР Министрлар Советида вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, анчик ва ҳаққоний бир ҳулоса чиқаради: «**Биз бундан бундан эскича яшолмаймиз ва бундан яшашга замонинг ўзи йўл қўймайди.**» Юртбошимиз ўз фаолиятида ислохотчилик, эл-юртнинг дарди-ташвиши энг олий мезон бўлиб қолганини очиб баён қилади.

Диёримиздаги вазиятни чунакамга ўнглаш, кишилар дунёқарашини ўзгариштириш, бугунги ва эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш учун, аввало, уларнинг моддий аҳолини яхшилаш зарур эди. Шундан келиб чиқиб, давлати раҳбари ўша давр учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, вақтинча ишсиз аҳоли қатламини иш билан банд этиш масаласига алоҳида эътибор беради. Ўша

йили 17 августда «Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиш бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Унда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиш бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилди. Натижада, 1989-90 йиллар давомида бир ярим миллиондан ошқ оилага қўшимча томорқа ажратилади, 700 миң оилага томорқа берилади. Ҳаёт шуну кўрсатдики, бу мураккаб масалага оқилона ёндашув тўғрисида минг-миңглаб одамлар уй-жойли ва ишли бўлиб, бозорлар маҳсулот билан тўлди, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, шўро сибасати «андоза»лари парчалаб ташланди ва ижтимоий кескинликнинг олди олинди. Айни пайтда, ерга муносабат ўзгарди, деҳқончилик, миришкорлик ва яратувчилик яна илдиш ота бўлади.

Бундан ташқари, пахта етиштириш режаси қайтарилди, пахта яққақимлигига барҳам берилди. Айни вақтда галла етиштиришга, бог-роғ яратишга киришилди. Биз ота юртни, она заминини ардоқлаб, ундан оқилона фойдаланиш ҳисобига 28,5 миллион нуфусга эга халқимиз тўқинлигини таъминлаш салоҳиятига эгами.

Мустақиллик йилларида иқтисодийта ижтимоий йўналиш берилди, у инсон ва унинг талаб-эҳтиёжиди, Ватан қудратини, демек, кишилар оёсийишталлигини таъминловчи омил деб қаралди. Иқтисодийнинг бошқарув, ҳўжалик юришти, мулкчилик ва маҳсулот — боша шарт-шароитларни яратиш бериш ҳақида» қарор қабул қилинади. Унда қишлоқда яшовчи ҳар бир кишига ўртача 25 сотихдан ер ажратиш бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилди. Натижада, 1989-90 йиллар да

Спорт

# Курашнинг катта тантанаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ватанимиз мустақиллигининг йиғирманчи йили сурхондарёликлар учун қувончли воқеаларга бой бўлди. Воҳада қатор йирик спорт мусобақаларининг ўтказилгани ҳам бунинг ёрқин исботидир. Жорий йилнинг май ойида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқувчилар ўртасида «Баркамол авлод-2011» мусобақалари, 21-23 июль кунлари эса Республика VI «Аёллар спорт фестивали» уюштирилди.

19-23 октябрь кунлари эса Амударё соҳилида жойлашган Термизда Польша, Ироқ, Грузия, Эрон, Туркия, Жанубий Корея, Греция, Хиндистон сингари элликлдан зиёд давлатдан ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган беш юз нафарга яқин полвон, мураббий, ҳакам ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу кураш байрамида қатнашди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган маъруза нуфузли мусобақаларга пухта тайёргарлик қўрилди, иштирокчилар учун барча шароитлар яратилди.

Халқаро турнир бошланиши олдидан иштирокчилар ва меҳмонлар Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳида бўлишди. Ал-Ҳаким ат-Термизий меъморий мажмуасидаги «Термиз ва термизийлар мероси тарихи музейи»да кўрғазмага қўйилган қадим Сурхон воқеаси ҳақида сўзловчи экспонатлар хорижлик меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга ноёб топилмалар тўпланган, Марказий Осиёда ягона бўлган Термиз археология музейига ҳам саёҳат уюштирилди. Термиз давлат университетида эса «Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижодий фаолияти», «Ёш авлоди тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти» мавзусларида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

— Бундай йирик мусобақалар доирасида халқаро илмий конферен-



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

цияларни ўтказиш аини муддаодир, — дейди Халқаро кураш ассоциацияси раиси, хиндистонлик Жағдир Татлер. — Бугун кураш нафақат спорт тури сифатида дунёга чиқмоқда, балки у орқали юртингиз тарихига қизиқувчилар сони ҳам борган сари ортиб бормоқда. Халқаро конференция эса унинг илмий асосларини яратишда яқиндан ёрдам беради.

Беллашувлар янги «Сурхон» спорт мажмуида ўтказилди. Катталар ўртасидаги VIII жаҳон чемпионатининг дастлабки куннда аёллар 57, 63, 70, 78 кг ва ундан оғир вазн тоифаларида гиламга чиққан бўлса, эркеклар ўртасида 81, 90, 100 кг ва мутлақ вазн тоифаларида

голиби ва совриндорлар номига ойдинлик киритилди. Аёллар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртларимиздан Гулмира Исматова (70 кг) терма жамоамиз ҳисобига дастлабки олтин медални ёзиб қўйган бўлса, эркеклар ўртасида Шухрат Арслонов (81 кг)га тенг келаётган рақиб топилмади. Жанубий Африка, Мўғилистон, Қозғистон вакиллари ҳам олтин медалларни қўлга киритди.

Беллашувларнинг иккинчи куннда «Сурхон» спорт мажмуи кураш ихлосмандлари билан тўлиб-тошди. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов ўзбек кураши тараққиёти йули-

да амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди, Сурхондарё вилоят ҳокими Туробжон Жўраев иштирокчи ва меҳмонларни култур экан, мамлакатимизда спорт соҳасида, жумладан, курашнинг ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталди ва чемпионатни очиб, деб эълон қилди. Ватанимиз мадҳияси янгради. Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли санъаткорлари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан томошабинларни хушнуд қилишди.

Куннинг иккинчи ярмида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган X халқаро

турнир бошланди. Мусобақа финалида нафақат юртимизнинг, балки жаҳоннинг энг номдор полвонларидан бири, дзюдо бўйича Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори, халқаро турнирлар голиби Абдулла Тангриев япониялик пахлавон Южи Оиши билан курашга тушди. Қизгин кечган баҳсда Абдулла устун келди ва олтинчи марта Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирнинг мутлақ голиби, деб топилди. Мамлакатимизнинг яна бир пахлавони Бахтиёр Меликулов ва эронлик Хожан Рахномажован бронза медаллари билан тақдирланди. Турли номинациялар бўйича голиби бўлганларга ҳам қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Мен бу аъънавий йирик халқаро турнирда олтинчи мартада бош совринга сазовор бўлсам-да, қаттиқ хаяжондаман, — дейди халқаро турнирнинг мутлақ голиби Абдулла Тангриев. — Агар бундан ўн икки йил аввал ўтган ва илк мартада иштирок этган мусобақам билан бугунгисини солиштирсак, уларнинг ўртасида катта фарқ бор. Аввало унда иштирокчи давлатлар полвонлари сафи кенгайганини кўрасиз. Бу эса бош соврин даввогарлари ўртасида кучли рақобатни вужудга келтирди. Жумладан, менга ҳам галаба қозониш осон бўлгани йўқ. Ҳар бир учрашувда катта куч сарфлашимга тўғри келди. Ўтган йиллар давомида Термиз шаҳри ҳам таниб бўлмас даражада чирой очганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Кўркам ва мухташам, янги «Сурхон» спорт мажмуида ҳар бир беллашувда мени қўллаб-қувватлаб турган барча мухлисларга раҳмат айтаман.

Меҳмонларда ўнмас таассурот қолдирган байрам курашнинг жаҳонда яна юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
**Эркин ХОЛБОВО,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

Футбол

## Пешқадамлар очко йўқотди

■ **Футбол бўйича Ўзбекистон XX миллий чемпионати олий лигасида пешқадамлик қилаётган уч жамоа йигирма тўртинчи турда очко йўқотди.**

Муддатидан олдин чемпионликка эришган Тошкентнинг «Бунёдор» жамоаси бу гал Бекobodда «Металлург» жамоаси меҳмони бўлди. Бекobodлик чарм тўп усталари чемпион жамоага жиддий қаршилик кўрсатди ва олтинчи дақиқадаёқ Дилмурод Каримов ҳисобни очди. Миржалол Қосимов шогирдлари биринчи бўлимда Янис Манзуқанинг голи эвазига ҳисобни тенглаштирди. Шундай бўлса-да, «Бунёдор» вакиллари мағлубиятдан қутула олмади. Уйиннинг иккинчи ярмида Боян Калевич галаба тўпини киритиб, «Металлург»нинг 2:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Яқинда Осиё футбол конфедерацияси кубогининг финалига йўлланма олган Қаршининг «Насаф» жамоаси йигирма тўртинчи тур учрашувда «Олмалик» футболчиларини енголмади. Олмалик шахрида ўтган ўйинда дарвозалар дахлсизлиги сақланиб қолди — 0:0.

Қаршиликларнинг очко йўқотишидан «Пахтакор» футболчиларининг умумий фойдаланиб қолгани кутулган эди. Пойтахтликлар Фарғонадаги учрашувда «Нефчи» жамоасини мағлуб этса, мусобақа жадвалида иккинчи ўринга кўтарилади. Лекин Юрий Саркисан шогирдлари «Пахтакор»ни 4:1 ҳисобидан енгиб, фарғоналик мухлисларни хушнуд этди. Учрашувда Анвар Бердиев ва Алишер Холиқов иккитдан тўп киритган бўлса, «Пахтакор»чиларнинг ягона жавоб голи Станислав Андреев ҳисобига эзилди.

Ушбу турда Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоаси жорий мавсумни сўнги поғонада яқунлаши ойдинлашти. Яна бир аутсайдер — Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси майдонда ўтган учрашувда дуранга эришган Жиззахликлар чемпионатнинг қолган икки ўйинида зафар кучса ҳам сўнги поғонадан юқорига кўтарила олмади. Уз мухлисларни кўз ўнгидан «Сўғдиёна»га гол урولмаган зарафшонликлар эса, 24 очко билан олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашнинг давом эттирмоқда.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар кайд этилди: «Шўртан» (Фузор) — «Навбахор» (Наманган) 1:0, «Динамо» (Самарқанд) — «Машъал» (Мурабрак) 2:0, «Андижон» (Андижон) — «Бухоро» (Бухоро) — 2:2.

**Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,**  
**ЎЗА шарҳловчиси**

Реклама ва эълонлар

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

### Сурхондарё вилояти «Термиз нефтбаза» унитар корхонаси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти «Термиз нефтбаза» унитар корхонаси ҳудудида пойдевор ва устеммаси қурилиши билан бирга, юк кўтаринчи 20 тонна бўлган иккита электрон тарози ўрнатиш.

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан — 204,404 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 170,337 млн. сўм, қурилиш муддати — 2 ой.

**Буюртмачи:** «Термиз нефтбаза» унитар корхонаси. **Манзили:** Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 5-уй, Тел.: (8-376) 226-19-33.

Ишловнинг қурилиш ишларини молиялаштириш «Термиз нефтбаза» унитар корхонасининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келиши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мухтассосларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлиши шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилганда: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳолаш жараёнида танлов тақлифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектуруриш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва архларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.**

Бир тўғлам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кун ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:

**Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда** ўтказилади.

Олимпиада тараддуди

## Велоспортчилар олимпиада медаллари учун курашадилар

■ **Тасаввур қилинг, Лондон Олимпиадаси кизгин давом этмоқда. Совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими бошланди. Юртдошимиз шохсупанинг юқори поғонасида мағрур турирди. Унинг галабаси шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз баланд кўтарилди. Жуда ҳам ҳаяжонли лаҳзалар! Бундай пайтда ўзбек эканимиздан, Ўзбекистон фарзанди эканимиздан барчамизнинг қалбимизда гурур, ифтихор. Лекин бундай оламшумул галабалар, халқимиз руҳини кўтарадиган муваффақиятлар ўз ўзидан қўлга киритилмайди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2009 йил 5 январь куни қабул қилган «Ўзбекистон спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган ХХХ эгзи Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёр Қарори спортчиларимизнинг ана шундай оламшумул галабалар қозонишини таъминлашга йўналтирилган. Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида бўлган тақдирот маросими мазкур Қарор ижросига бағишланди. Унда Ўзбекистон касабаси уюшмалари федерацияси Кенгаши Лондон олимпиадасига ҳозирлик кўраётган велоспортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Республика велоспорт федерациясига 4 та «Дамас» русумли автомобиль ва 122 та профессионал ҳамда машқ велосипедлари тақдим этиди.

Жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон велоспорт федерациянинг бош ҳомийси сифатида мамлакатимизда велоспорти янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида оммалаштириш борасида қатор ишларни амалга оширди. — Сўнги йилларда юртимизда велоспорт ривожланиб бораётганини вакилларимиз халқаро мусобақаларда қўлга киритаёт-



**Ўғил-қизлар шугулланишмоқда. Хоразм вилоятида ташкил этилган велоспорт мактабидан эса 45 нафардан ортиқ ёшлар машғулотларда қатнашмоқда. Фарғона вилоятидаги комплекс спорт мактаби негизда ташкил этилган велоспорт бўлимининг 50 нафар ўқувчиси янги спорт велосипедлари билан таъминланди.**

— Президентимиз раҳнамолигида юртимизда спортни ривожлантириш борасида мисли қўрилмаган ислохотлар амалга оширилмоқда, — дейди велоспорт бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Владислав Искандаров. — Велоспортчиларни рағбатлантириш, уларни янги галабалар сари руҳлантириш борасида амалга оширилаётган бу тадбир ана шу ишларнинг узвий давоми. Мен терма жамоа аъзолари

номидан Юртбошимизга, ҳомийларимизга миннатдорчилик билдиришмоқчиман. — Сўнги йилларда бизга кўрсатилаётган эътибор, ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак учун мутасаддиларга раҳмат, — дейди Осиё ўйинлари голиби Владимир Тўйчиев. — Бугун менга профессионал велосипед тақдим қилинди. Бизни олдинда муҳим мусобақалар кутиб турирди. Энди биз бундай гамхўрликка жавобан янада кўпроқ Лондон олимпиадаси лицензиясини қўлга киритишимиз ва унда фақат медаллар учун курашишимиз керак.

Спортда қўлга киритиладиган натижалар мамлакат нуфузини жаҳон миқёсида янада ошишига хизмат қилади. Шундай экан, спортчиларимиз эртага олимпиадада галаба қозонишлари учун бугун барчамиз уларнинг тўлақонли тайёргарлик кўришларига ўз ҳиссамизни қўшишимиз даркор.

**Темур АЪЗАМ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

ТАХРИР НАҲ'АТИ:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
G'afar HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muhammad MUXLIDDIN  
MUSLIMOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Ko'chibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046 t — Tijorat materiallari

10228 Topshirish vaqti — 21.00

02A yakuni — 21.45

Topshirilgan vaqti — 00.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433



1 2 3 4 5